



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 27 » avgust

№ 544

Toshkent sh.

Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ва эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирларнинг натижадорлигини ошириш ва бунда аҳолининг мақсадли гуруҳини аниқлаш бўйича вазифалар аниқ бир мезон ва услубий ёндашувларнинг ишлаб чиқилишини талаб этади.

Ўз навбатида, ушбу услубий ёндашув ва базани шакллантириш аҳолининг турмуш шароити ва ижтимоий ҳолатини бевосита ўзида акс эттирувчи, яъни уларнинг истеъмол таркиби ва хусусиятлари бўйича реал ҳолатни ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хусусан, мамлакатимизда аҳолининг камбағал қатламини аниқлаш услубини амалиётга жорий этиш ва такомиллаштириб бориш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон ва “Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 11 августдаги ПФ–6277-сон Фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан Жаҳон банкининг техник кўмаги асосида минимал истеъмол харажатлари қийматининг дастлабки ҳисоб-китоблари тайёрланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасининг минимал истеъмол харажатлари кўрсаткичидан **камбағаллик мезони** (ёки чегараси) сифатида фойдаланиш бўйича таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

2022 йилдан бошлаб, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали оилани кам таъминланган деб эътироф этиш жараёнида қўлланиладиган ва жон бошига тўғри келадиган бир ойлик даромад мезони минимал истеъмол харажатларига тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳар йили **август ойига қадар** минимал истеъмол харажатлари қийматининг прогноз параметрларини инфляция кутилмаларидан келиб чиқиб ҳисоблайди;

Молия вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда минимал истеъмол харажатлари қийматининг прогноз кўрсаткичларини келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларини шакллантиришда инобатга олади;

Давлат статистика қўмитаси **минимал истеъмол харажатлари ва камбағаллик даражасини** ҳар йилги ҳисобот йилида инфляция даражасидан келиб чиқиб, кейинги йилнинг **20 январига қадар** эълон қилиб боради;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги хорижий экспертларни жалб этган ҳолда, **минимал истеъмол харажатлари таркибини** республика иқтисодиётининг ривожланиши ҳамда аҳоли даромад ва харажатларининг ўзгаришини инобатга олган ҳолда камида **ҳар 5 йилда қайта кўриб чиқади**.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қиймати ва камбағаллик чегарасини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги** низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

минимал истеъмол харажатлари, камбағаллик чегараси ва уй хўжалиқларининг реал истеъмол қийматлари ҳамда таркибини ўрганиш;

соғлом ҳаёт кечириш учун зарур бўлган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар ҳамда хизматлар учун минимал истеъмол харажатлар қийматини ҳисоблаш тамойиллари, босқичлари ва тартиби.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги халқаро экспертларни жалб этган ҳолда уй хўжалиқлари сўрови натижаларидан келиб чиқиб, **2021 йилнинг 15 декабрига қадар** минимал истеъмол харажатлари ҳисоб-китобини якунига етказсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги билан биргаликда Жаҳон банки ва ЮНИСЕФнинг техник кўмагини жалб қилган ҳолда 2021 йил якунига қадар:

минимал истеъмол харажатларини ҳисоблашда ҳар бир уй хўжалиги аъзоларининг ёши, таркибидан келиб чиққан ҳолда тегишли коэффициентларни қўллаш;

уй хўжалиқлари кузатувлари қамровини 2023 йилгача босқичма-босқич 2 баравар ошириш;

камбағалликни қисқартиришнинг янги воситаларини амалиётга жорий этишни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “27” августдаги 544 сон қарорига
илова

Аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қиймати ва камбағаллик чегарасини ҳисоблаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом аҳолининг реал истеъмол харажатлари, хусусиятлари ва таркибидан келиб чиқиб, аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қиймати ва камбағаллик чегарасини ҳисоблаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси, БМТ Тараққиёт дастури, Жаҳон банки, ФАО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан минимал истеъмол харажатлари қиймати ва камбағаллик чегарасини ҳисоблаш бўйича берилган тавсиялар асосида ишлаб чиқилган.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

камбағаллик – аҳоли иқтисодий имкониятларининг ҳаёт кечириш учун зарур минимал эҳтиёжларини қондиришига етарли даражада бўлмаслиги;

камбағаллик чегараси – аҳолининг реал харажатлари таркибидан келиб чиқиб ҳисобланадиган бир киши учун минимал истеъмол харажатлари қиймати;

минимал истеъмол харажатлари (кейинги ўринларда – минимал харажатлар) – уй хўжалиқларининг реал истеъмол қийматлари ва таркибини ўрганиш асосида уларнинг соғлом ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар ҳамда хизматлар учун минимал харажатларнинг ҳисобланган қиймати;

минимал килокалория – инсон организмнинг ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган минимал энергиявий қиймат;

процентил – сўровда иштирок этган уй хўжалиқларини жон бошига нисбатан жами харажатларга кўра 1 фоизлик гуруҳларга ажратиш;

реал истеъмол қиймати – сўровномада уй хўжалиги томонидан товар ва хизматлар учун амалга оширилган харажатларнинг пулдаги ифодаси;

таргет гуруҳи – сўровномада иштирок этган респондентлар орасидан истеъмол хусусиятига кўра ажратиб олинган кичик гуруҳ;

уй хўжалиги – маълум бир уй-жойда бирга яшовчи, даромадларини тўлиқ ёки қисман бирлаштирган ҳолда умумий рўзғор юритувчи кишилар гуруҳи. Бунда уй хўжалиги аъзолари ўртасида қариндошлик алоқалари бўлиши шарт эмас;

уй хўжаликлари танланма кузатуви – уй хўжалиги бюджетининг шаклланиши ва тақсимланишини аниқлаш ҳамда уларнинг ҳаёт даражасини кузатишга йўналтирилган танланма сўров усули;

Энгель коэффициенти – уй хўжалигининг жами харажатлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари қийматининг улуши.

4. Ушбу Низом минимал истеъмол харажатларининг уй хўжаликлари танлама кузатуви натижалари асосида аҳолининг реал истеъмоли таркибидан келиб чиқиб, статистик усул орқали ҳисоблашга мўлжалланган.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида аҳоли минимал харажатлари ва камбағаллик чегарасини ҳисоблашда бир хил услубий ёндашувни таъминлайди.

5. Аҳолининг минимал харажатлари қиймати ва камбағаллик чегарасини ҳисоблаш ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Минимал харажатлар ва камбағаллик чегарасини ҳисоблашнинг статистик базаси

6. Минимал харажатлар қиймати ва камбағаллик чегарасини ҳисоблашда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат статистика қўмитаси) томонидан амалга ошириладиган уй хўжалиги танланма кузатуви натижалари асосида шаклланадиган аҳоли истеъмоли, даромад миқдори ва таркиби;

уй хўжаликлари истеъмолининг килокалориядаги қийматини аниқлаш учун озиқ-овқат маҳсулотларининг энергиявий қиймати тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилади.

3-боб. Минимал харажатлар қийматини ҳисоблаш тамойиллари

7. Минимал харажатлар қиймати қуйидаги тамойилларга асосланиб ҳисобланади:

аҳоли танлови ва молиявий имкониятлари каби истеъмол таркибига таъсир кўрсатувчи омилларнинг инобатга олинганлиги;

аҳоли озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолига сарфлаган амалдаги харажатларнинг эътиборга олинганлиги;

аҳолининг реал талабидан келиб чиқиб ҳамда демографик ҳолатнинг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда, ноозиқ-овқат маҳсулотлари турлари ва таркибининг инобатга олинганлиги;

аҳолининг зарур хизматлар харажатлари қийматини ҳисоблашда давлат томонидан кўрсатилаётган бепул хизматларнинг эътиборга олинганлиги;

минимал харажатлар қиймати аҳоли реал истеъмоли таркибидан келиб чиққанлиги сабабли уларда боқимандалик кайфиятини рағбатлантиришга йўл қўйилмаслиги;

минимал харажатлар қийматини аҳоли билан бевосита сўров ўтказиш орқали аниқланиши.

4-боб. Минимал харажатларни ҳисоблаш босқичлари

8. Минимал харажатларни ҳисоблаш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

биринчи босқичда, Давлат статистика қўмитаси томонидан жойларга чиққан ҳолда уй хўжалиқларининг истеъмоли, даромади ва яшаш шароитини инобатга олувчи сўровнома ўтказилади;

иккинчи босқичда, Давлат статистика қўмитаси томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда уй хўжалиқлари кесимида истеъмол қилинган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда хизматлар қиймати реал истеъмол қийматидан келиб чиқиб, таргет гуруҳи учун республика ўртача нархларида ҳисоблаб чиқилади;

учинчи босқичда, Давлат статистика қўмитаси томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда уй хўжалиқларининг аҳоли жон бошига истеъмол ҳажмидан келиб чиқиб, ўсиш тартибида децилларга (10 фоизлик гуруҳ) бўлинади ва энг кам истеъмолга эга бўлган биринчи уч гуруҳдаги уй хўжалиқлари (таргет гуруҳи) ажратиб олинади;

тўртинчи босқичда, камбағал аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари харажати асосида бир килокалорияга сарфланган қиймат аниқланади;

бешинчи босқичда, бир килокалория қиймати Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таклиф этган энергия қийматига (2 200 ккал) кўпайтирилиб, минимал озиқ-овқат харажатлари аниқланади;

олтинчи босқичда, таргет гуруҳининг умумий харажатларидаги озиқ-овқат маҳсулоти улуши аниқланади;

еттинчи босқичда, минимал озиқ-овқат харажатларини Энгель коэффициентига бўлиш орқали бир киши учун минимал харажатлар аниқланади.

5-боб. Минимал харажатларни ҳисоблаш тартиби

9. Уй хўжалиқлари томонидан озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматларга сарфланган истеъмол харажатлари қиймати реал истеъмол нархларидан келиб чиқиб, республика ўртача нархларига ўтказилади.

$$M_n = m_n * H_n, \text{ бунда:}$$

M_n – уй хўжалиги томонидан n турдаги маҳсулот истеъмолига сарфланган харажатларнинг таргет гуруҳи учун ўртача республика нархларидаги қиймати;

t_n – уй хўжалиги томонидан n турдаги маҳсулот истеъмоли миқдори (кг, литр, дона ва бошқалар);

N – n турдаги маҳсулотнинг реал истеъмол нархларининг ўртача республика нархи.

Мисол учун, уй хўжалиги бир ойда 5 кг картошка истеъмол қилса, бунда ушбу маҳсулотнинг республикадаги ўртача йиллик нархи 4500 сўмни ташкил этса, бу ҳолда:

$$5 \text{ кг} * 4500 \text{ сўм/кг} = 22\,500 \text{ сўм.}$$

10. Уй хўжалиги томонидан истеъмол қилинган озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматларнинг йиғиндиси орқали уй хўжалиги жами ўртача ойлик истеъмол харажатлари қиймати аниқланади.

$$ЖИ_m = ОХ_m + НОХ_m + ХХ_m, \text{ бунда:}$$

$ЖИ_m$ – t уй хўжалигининг жами истеъмол харажатлари қиймати;

$ОХ_m$ – t уй хўжалигининг озиқ-овқат маҳсулотларига сарфлаган жами харажатлари қиймати;

$НОХ_m$ – t уй хўжалигининг ноозиқ-овқат маҳсулотларига сарфлаган жами харажатлари қиймати;

$ХХ_m$ – t уй хўжалигининг хизматларга сарфлаган жами харажатлари қиймати.

Ҳар бир уй хўжалиги жами истеъмол харажатлари қийматини унинг аъзолари сонига бўлиш орқали аҳоли жон бошига жами истеъмол харажатлари қиймати аниқланади.

Аҳоли жон бошига тўғри келувчи жами истеъмол харажатлари қийматига кўра уй хўжаликлари тартибланади ва процентилларга бўлинади.

11 Уй хўжаликларининг озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли миқдоридан (кг, литр, дона ва бошқалар) келиб чиқиб, озиқ-овқат истеъмолининг жами килокалория қиймати аниқланади.

12. Уй хўжаликлари озиқ-овқат истеъмолининг бир килокалория қиймати куйидагича аниқланади:

$$1 \text{ ккал} = \frac{ОХ_m^{жс}}{ИК_m^{жс}}, \text{ бунда:}$$

1 ккал – уй хўжалиги истеъмол қилган 1 килокалориянинг қиймати;

$ОХ_k$ – t уй хўжалигининг истеъмол қилган озиқ-овқат харажатлари;

$ИК_k$ – t уй хўжалиги истеъмол қилган килокалория миқдори;

Масалан, 5 кишидан иборат уй хўжалиги кунлик озиқ-овқат истеъмоли учун кунига 11 750 ккал ва маҳсулот учун 53 463 сўм сарфланган бўлса, у ҳолда 1 ккал нархи қуйидагича ҳисобланади:

$$1 \text{ ккал} = \frac{53\,463}{11\,750} = 4,6 \text{ сўм.}$$

13. Таргет гуруҳида бир киши учун ўртача бир килокалория қийматини кунлик минимал килокалорияга кўпайтириш орқали кунлик минимал озиқ-овқат харажатларининг қиймати аниқланади:

$$МОХ = 1_{\text{ккал}} * N_{\text{ккал}}, \text{ бунда:}$$

$МОХ$ – кунлик минимал озиқ-овқат харажатлари қиймати;

$N_{\text{ккал}}$ – бир киши учун кунлик минимал килокалория.

Кунлик минимал озиқ-овқат харажатлари қийматини 30,41 га (365/12) кўпайтириш орқали мазкур кўрсаткичнинг ўртача ойлик қиймати аниқланади.

Масалан, агар бир килокалория нархи 4,6 сўм ва бир киши учун кунлик минимал килокалория 2 200 га тенг бўлса, ўртача ойлик минимал озиқ-овқат харажатлари қиймати қуйидагича аниқланади:

$$МОХ = 4,6 * 2200 * 30,41 = 304\,404 \text{ сўм.}$$

14. Уй хўжалигининг ўртача ойлик жон бошига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотларига сарфланган харажатларининг умумий харажатлардаги улушини аниқлаш орқали ҳар бир уй хўжалигининг Энгель коэффициенти ҳисобланади.

$$Энг_m = \frac{ОХ_m^{эс}}{ЖИ_m^{эс}} \times 100\%, \text{ бунда:}$$

$Энг_m$ – Энгель коэффициенти;

$ОХ_m^{эс}$ – m уй хўжалигининг аҳоли жон бошига жами озиқ-овқат харажатлари қиймати;

$ЖИ_m^{эс}$ – m уй хўжалигининг аҳоли жон бошига жами харажатлари қиймати.

Масалан, агар уй хўжалигининг жами истеъмоли таркибида озиқ-овқат харажатлари 304 404 сўм, жами харажатлари 439 860 сўм бўлса, у ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

$$Энг = \frac{304\,404}{439\,860} \times 100\% = 69 \%$$

15. Минимал озиқ-овқат харажатлари қийматини Энгель коэффициентининг ўртача миқдорига бўлиш орқали бир киши учун ўртача ойлик минимал харажатлар қиймати аниқланади.

$$МХ = \frac{МОХ}{Энг} \times 100\%, \text{ бунда:}$$

Масалан, танланган гуруҳ бўйича ўртача Энгель коэффициентини 69 фоиз, минимал озиқ-овқат харажатлари 304 404 сўм бўлса, у ҳолда:

$$MX = \frac{304\,404}{69} \times 100\% = 439\,860 \text{ сўм.}$$

16. Минимал харажатлар ҳисобланган йил базавий йил бўлиб, келгуси йил учун минимал харажатлар озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар нархлари даражасидан келиб чиқиб, индексация қилиб борилади.

Бунда истеъмол нархлари индекси таркибидаги озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматларнинг нархлари ўзгариши ва уларнинг минимал харажатлардаги улушлари кўпайтмасининг йиғиндиси орқали минимал харажатлардаги нархлар ўзгариши ҳисобланади.

$$MX_{инф} = MOX_{инд} * Инф_{оо} + NOX_{инд} * Инф_{но} + XX_{инд} * Инф_{хиз}, \text{ бунда}$$

$MX_{инф}$ – минимал харажатлардаги нархлар ўзгариши;

$MOX_{инд}$ – минимал озиқ-овқат харажатларининг минимал харажатлардаги улуши;

$Инф_{оо}$ – истеъмол нархлари индекси таркибидаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ўзгариши;

$NOX_{инд}$ – минимал харажатлар таркибида ноозиқ-овқат маҳсулотларининг улуши;

$Инф_{но}$ – истеъмол нархлари индекси таркибидаги ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ўзгариши;

$XX_{инд}$ – минимал харажатлар таркибида хизматларнинг улуши;

$Инф_{хиз}$ – истеъмол нархлари индекси таркибидаги хизматлар нархининг ўзгариши.

Минимал харажатлардаги нархлар ўзгаришини ўтган даврдаги минимал харажатлар қийматига кўпайтириш орқали ҳисобот даврида минимал харажатлар қиймати аниқланади.

$$MX_t = MX_{t-1} * MX_{инф}$$

6-боб. Яқунловчи қоидалар

17. Камбағаллик даражаси – харажати (ёки даромади) минимал харажатлар қийматидан паст бўлган аҳолининг жами аҳолига нисбати орқали аниқланади.

18. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.



Аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қиймати ва камбағаллик чегарасини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомга илова

Аҳолининг минимал харажатлари қиймати ва камбағаллик чегарасини ҳисоблаш СХЕМАСИ

| Босқичлар | Тадбирлар | Муддатлар | Масъул органлар |
|-----------|--|---|---|
| 1-босқич | Минимал харажатлар қийматининг прогноз параметрларини инфляция кутилмаларидан келиб чиқиб ҳисоблаш | Ҳар йили август ойида | Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги |
| 2-босқич | Минимал харажатлар қийматининг прогноз кўрсаткичларини келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларини шакллантиришда инобатга олиш | Ҳар йили декабрь ойида | Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги |
| 3-босқич | Йиллик минимал харажатлар ва камбағаллик даражасининг амалдаги қийматини эълон қилиш | Ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 20 январига қадар | Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги |
| 4-босқич | Минимал харажатлар таркибини республика иқтисодиётининг ривожланиши ҳамда аҳоли даромад ва харажатларининг ўзгаришини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш | Ҳар беш йилда | Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги |